

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРДА КОНТИНЕНТАЛ МУНОСАБАТЛАРНИНГ  
УСТУВОРЛИГИ

М.Л. Файзиходжаева  
Тошкент давлат транспорт университети,  
и.ф.н., доц

**Anntatin:** this article is devoted to the importance of integration in international transport corridors, and through international globalization, the emergence of new qualitative and quantitative parameters and technological processes in the network has been studied.

**Keywrds:** international, transportation, railway, precinct, multimodal transportation,

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳалқаро транспорт коридорларига интеграциялашув, маҳаллий даражада водий ва воҳани боғлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳалқаро ташувлар билан бир қаторда маҳаллий ташишларни ҳам ривожланишига ва шу билан бирга темир йўл хизматлари бозорида хизмат қўрсатиш сифатининг ошишига олиб келади.

2016 йилда темир йўл транспорти соҳасида темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш, Самарқанд-Бухоро темир йўл участкасининг электрлаштирилишини таъминлаш, Қарши-Термиз участкасини электрлаштириш ишларини давом эттириш ҳал қилувчи йўналишга айланди. Қамчиқ довони орқали ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини якунига етканлиги ва Ангрен - Поп йўналиши бўйича темир йўл қатновини йўлга қўйилиши, ҳеч шубҳасиз, охирги йилдаги муҳим воқеа бўлди.

Бу йўлнинг ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имконини яратди.

Ҳалқаро глобализация дунёда, айниқса транспортда янги хажм ва сифат параметрларига эга бўлмоқда. Бундай жараён барча мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини ва қизиқишлигини баҳоланишини талаб этади. Ҳалқаро товар ҳаракати тизимининг ривожланиши, шу билан бирга транспорт ҳам самарали иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб қолишини қўрсатмоқда. Сўнгги йилларда ҳалқаро транспорт коридорлари орқали ташиладиган юкларнинг ривожланиш истиқболи билан боғлиқ бўлган масалалар ўта долзарб бўлиб қолди, чунки ушбу масала келажакда ҳалқаро алоқалар учун континентал муносабатлар томонидан устувор деб тан олинди.

Ўзбекистби Республикасида 2030 йилгача темир йўл транспортини ривожлантириш стратегиясида ҳалқаро транспорт тизимларига интеграциялашуви асосида салоҳиятини амалга ошириш транзит ва ҳалқаро

транспорт коридорларига катта аҳамият қаратилган. Мазкур стратегияга эришишда юк ташувларини амалга оширишда маҳаллий темир йўл тизимини такомиллаштириш, янгилаш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тарифларни қайта кўриб чиқиши, локомотивлар паркини замонавий электровоз ва тепловозлар билан тўлдириш зарурлигини кўрсатмоқда. Қайд этилишича, бугунги кунда локомотивлар паркининг 70 фоизи тепловозларни ташкил этиши тарифларнинг юқорилигини сақлаб қолишини келтириб чиқаради. Шунингдек, олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича ҳалқаро юк ташувлар сўнгти йилларда қарийиб икки баробарга қисқарган. Мазкур ҳолат ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш, мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишина тақозо этади.

Тадқиқот обьекти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳалқаро ташишлар бўйича фаолияти ҳисобланади. Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришни жадаллаштириш, йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш обьектларини қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортининг самарали ишлаши модернизация қилиш, инновацион ривожланиш йўлларига ўтиш ва миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун шарт-шароитлар яратишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимида муҳим рол ўйнайди. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболлари ва фуқароларнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш даражасини ошириш учун шароит яратиш темир йўл транспортининг ҳолати ва сифатига боғлиқ.

Бундан ташқари, глобаллашув жараёни, анъанавий жаҳон иқтисодий муносабатларидаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикасига ўзининг ноёб иқтисодий ва географик позициясининг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш вазифасини қўяди. Мамлакатнинг транзит салоҳиятини самарали амалга ошириш ҳалқаро транспорт фаолиятида иштирок этишнинг иқтисодий самарасини қўриш имконини беради.

Ўзбекистон географик жойлашуви бўйича Евроосиёнинг ажралмас қисми бўлиб, темир йўл тармоғи миллий аҳамиятга эга йирик транспорт-логистик жамият ҳисобланади.

«Ўзбекистон темир йўллари» бошқа транспорт тармоқлари билан биргаликда аҳолининг эҳтиёжларини қондиради. Шу билан бирга, темир йўл транспорти транспорт тизимининг етакчи элементи бўлиб, йўловчи ва юк ташишдаги улуши мамлакат транспортининг 43 фоизидан ортигини ташкил этади.

Темир йўл транспортининг мавқеи йил давомида мунтазам равища ҳаракатни амалга ошириш, юк ташиш ҳажмининг катта қисмини ташиш ва

мехнат ресурсларининг ҳаракатланишини таъминлаш қобилияtlари билан белгиланади. Темир йўл транспортининг алоҳида аҳамияти ҳам узоқ масофалар ва оғир юклар ташиш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 - сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси 2017- 2021-йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракат стратегияси ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан такомиллаштириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ва жадал ривожлантиришни таъминлаш учун шартшароитларни яратиш, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда асосий ҳужжат хисобланади.

Стратегиянинг мақсади - Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланиши учун шароит яратиш, аҳолининг ҳаракатланиш даражасини ошириш ва маҳсулот оқимини оптималлаштириш, иктисодий суверенитетни мустаҳкамлаш, иктисодиётнинг умумий транспорт харажатларини камайтариш, миллий иктиносидиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва темир йўл транспортининг илфор ва инновацион ривожланиши асосида Ўзбекистон Республикасининг етакчи мавқеини таъминлаб, шу билан иктиносидиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш билан уйғунлашиб, транспорт ва мамлакат ҳудудларини бирлаштируди. Шулар билан бир қаторда, Ўзбекистонда темир йўл транспортининг бугунги ҳолатини таҳлили ва унинг ривожланиш тенденциялари ва барқарорлиги бир қатор муаммолар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Халқаро юк ташиш фаолиятини (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ мисолида) тизимли таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлиги давр талабига айланди.

Фикримизча, юқоридаги мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга:

- темир йўл транспортининг ҳалқаро иктиносидий алоқалардаги ролини ўрганиш;
- Ўзбекистон темир йўл тармоғининг миллий иктиносидиётни ривожлантиришдаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- ҳалқаро мультимодал ташувларни бошқаришнинг чет эл тажрибасини тадқиқ қилиш;
- «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ орқали ташилган экспорт-импорт ва транзит юк ташувларини таҳлил қилиш;
- марказий Осиё темир йўл коридорлари орқали транзит ташувлар таҳлилини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро транспорт коридорлари орқали

транзит ташувларини ривожлантириш йўлларини асослаш;

- рақобатдош коридорларни шакллантиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

- Транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини ошириш учун тизим ва қурилмаларни жорий этиш, юкларни етказиб бериш даврини қисқартириш ва сақланганлигини таъминлаш мақсадида ташиш технологиясини такомиллаштириш тавсия этилди;

- Ўзбекистон темир йўллари магистрал линияларининг ҳалқаро ташувларнинг асосий йўналишлари бўйича ташиш ва ўтказиш қобилиятини ошириш зарурлиги илмий асосланди;

- Темир йўл инфратузилмасини замонавийлаштириш ҳамда ташиш тезлиги ва сифатини оширишга имкон яратадиган ташиш жараёнини бошқаришни автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тавсия этилди;

- Ҳалқаро транспорт коридорлари бўйича юк жўнатувчиларни қўллаган ҳолда, ташишни ахборотлаштириш, электрон ҳужжат алмашуви ва электрон расмийлаштиришни жорий этиш таклиф этилди;

- Ташқи савдо ташувлари соҳасида унинг эгилувчанлигини оширишга йўналтирилган тариф сиёсатини такомиллаштириш тавсия этилди;

- Ҳалқаро транспорт коридорларининг айрим йўналишлари бўйича ташувларни ривожлантиришда чет-эл темир йўллари ва транспорт компаниялари билан ҳамкорликни жадаллаштириш зарурлиги илмий асосланди.

Тадқиқотда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик таҳлили, ҳалқаро-ташувларга бағищланган айрим масалалар, транзит ташувлар йўналишини оптималлаштириш орқали транспорт хизматлари бозорини кенгайтириш йўлларини тўла-тўқис очиб берадиган ҳамда мультимодал ва интермодал ташувларга бағищланган тадқиқотлар кўпчилик маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган.

Ҳалқаро ташувлар бозорини ўрганишда ҳисса қўшган чет эл олимларидан К.Плужников<sup>1</sup>, С.Науменко, Н.Иловайский, А.Киселев<sup>2</sup>, Д.Левин<sup>3</sup>, В.Николашин<sup>4</sup>, В.Галабурда<sup>5</sup>, С.Резер<sup>6</sup>, Н.Терёшина, Л. Левицкая, Л. Шкурина<sup>7</sup>,

<sup>1</sup> Плужников К.И., Чунтомова Ю.А. Транспортные условия внешторговых контрактов, Учеб. Пособие. - М.: РосКонсульт, 2002

<sup>2</sup> Иловайский.Н.Д Кисилев А.Н. Сервис на транспорте (железно-дорожном): Учебник для вузов. - М.: Маршрут. 2003.

<sup>3</sup> Левин.Д.Ю. Оперативное управление перевозочным процессом. Монография - М.: ГОУ “Учебно - методический центр на ж.д. транспорте”.2008

<sup>4</sup> Николашин.В.М. Сервис на транспорте. учеб. - 3-е изд., испр. - М.: ИЦ “Академия”, 2008

<sup>5</sup> Галабурда В.Г. Транспортный маркетинг: Учебник для студентов вузов ж.д.транспорта. - М: Маршрут.2006

<sup>6</sup> Резер.С.М. Логистика пассажирских перевозок на железнодорожном транспорте. М.: 2007

<sup>7</sup> Терёшина.Н.П., Левицкая.Л.П., Шкурина.Л В., Экономика железнодорожного транспорта: Учебник. - М.: ФГБОУ “УМЦОНА Ж.Д транспорте. - 2012”

Д.Шишкин, Л.Шишкина<sup>8</sup>, С.Миловлавская<sup>9</sup> ва бошқалар тадқиқотларини келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг ҳалқаро ҳамжамиятида фаол қатнашуви транспорт хизматларини юқори даражада ривожланишини назарда тутади. Бу транспорт салоҳиятини оширишни аввало сифатли ва мамлакат ҳудудларини иқтисодий самара билан бир бутун давлат тариқасида боғловчи темир йўл транспортини ривожлантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё ҳудудида муҳим геостратегик ҳолатни эгаллайди ва бу ўз навбатида миллий транспорт тизимини ривожлантириш ҳамда уни яратилаётган янги ҳалқаро транзит коридорлари ва маршрутларига самарали интеграллашувини таъминлайди.

Шу сабабли ташқи иқтисодий алоқаларимизни транспорт билан таъминлаш муаммоларини ҳал қила оладиган, жаҳон океанига чиқишини таъминлайдиган муқобил йўлларни излаш билан боғлиқ масалаларни фаол ҳал қилишга интилишимиз лозим. Шу мақсадда Ўзбекистон “Транзит юқ ташишда ҳамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш” дастурини ишлаб чиқаришда иштирок қилмокда. Бу дастур доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг транзит транспорт оралиқ йўлларини вужудга келтириш соҳасида биргаликда бажарадиган вазифалари ишлаб чиқилмокда. Бу транспорт йўллари уларга денгиз бандаргоҳларига чиқишини таъминлайди ва қадимги савдо йўли - Буюк Ипак йўлининг тикланишига ёрдам беради, деб таъкидлаган эди биринчи Президентимиз бу эса мамлакатимизни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг яна бир босқичи бўлади.

Темир йўл олдида турган вазифалар - ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришга каратилган бўлиши зарур.

Ушбу вазифалар темир йўл транспортини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида аниқ белгиланган бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- темир йўл транспортининг темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва янгилаш, моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- транспортнинг яхлитлиги, мустақилик, ижтимоий-иктисодий ўсиш ва транспортда фуқароларнинг эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни

<sup>8</sup> Шишкин.ДТ., Шишкина.Л.Г, Логистика на транспорте: Учеб пособие для техникумов и колледжей. -

<sup>9</sup> Миловлавская С.В , Плужников К И Мультимодальные и интермодальные перевозки: Учеб. Пособие. - М.: РосКонсульт, 2002

таъминлаш, қулай ва барқарор транспорт тизимини инфратузилмавий тизим сифатида шакллантириш;

- темир йўл транспортининг ҳалқаро транспорт тизимларига интеграциялашуви асосида “Ўзбекистон темир йўлари” АЖнинг транзит салоҳиятини амалга ошириш;
- иқтисодий ривожлантириш ва ишчиларнинг меҳнат қобилиятини ошириш учун шароитлар яратиш;
- жами транспорт харажатларининг қисқариши, шу жумладан темир йўл транспортининг самарадорлигини ошириш;
- темир йўл транспортини технологик ва техник жиҳатдан ривожлантириш асосида аҳоли ва иқтисодиётнинг талаблари ва жаҳон стандартларига мос равишда транспорtnинг сифати ва хавфсизлигини ошириш;
- темир йўл транспортининг инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- республика фуқароларининг хукуқларини қулай муҳитга эга бўлишини таъминлаш.

Фикримизча, темир йўл транспортининг олдида турган вазифаларини амалга оширишда, асос бўлиб, унинг меъёрий – хукуқий ва қонунчилик базаси хизмат қиласи ва темир йўл транспорти фаолиятини тартибга солиш билан бирга, хорижий тажрибаларни ўрганиш, ҳамда у ёки бу хукуқий меъёрларни тадбиқ қилиш орқали такомилашиб боради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**  
**REFERENCES:**

1. Shakirova, F. B. (2022). INNOVATIVE DEVELOPMENT MODELS AND THEIR RELATIONSHIP WITH ECONOMIC GROWTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 662-665.
2. Shakirova, F. B., & Sattorova, S. B. (2022). “O ‘ZBEKISTON TEMIR YO ‘LLARI” AJ FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA XALQARO HAMKORLIK FAOLIYATI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(9), 4-9.
3. Shakirova, F. B. (2022). THE IMPORTANCE OF INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATION IN THE ECONOMY. *Confrencea*, 7(7), 61-62.
4. Shakirova, F. B. (2022). THE IMPORTANCE OF TAXES IN BUSINESS DEVELOPMENT. *Confrencea*, 6(6), 236-237.
5. Shadiyeva, G. M., & Urozaliev, E. (2022). HISTORY OF RAILWAY TRANSPORT DEVELOPMENT IN OUR COUNTRY AND FOREIGN EXPERIENCES. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(8), 221-226.
6. Shadiyeva, G. M., & Egamova, D. A. (2022). TRANSPORT SOHASI BOSHQARUVIDA RAQAMLI VA AQLLI AXBOROT TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH MASALALARI XUSUSIDA. *Journal of new century innovations*, 15(3), 24-27.

7. Shadiyeva, G. M., & Akbarovna, G. K. (2022). The Role of Family Business in Increasing Employment and Welfare of the Population. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 1(8), 41-45.

8. Shadiyeva, D. K., & Umid, R. (2022). MORPHOLOGICAL ERRORS IN THE MEDIA OF UZBEKISTAN. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 783-787.